

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь куни хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизматлар — кам ҳаражат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминласа бўладиган соҳа. Шу боис ҳудудларда маиший хизмат уйларни ташкил этилмоқда, ишсизлар касб-хунарга ўргатилмоқда, маблаг ва шароит билан таъминланмоқда.

Жорий йил 27 январда давлат раҳбарининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу соҳага қўллаб-қўллагичлар берилди ва имтиёзли ресурслар ажратилди.

Булар орқали жорий йилда 120 мингдан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, хизматлар ҳажмини 435 триллион сўмга етказиш режа қилинган.

Танқидий руҳда ўтган йилги ишда бу борада ҳудудларда бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳокимлар халқни ўйлаб, ҳалол ишлаб, тадбиркорларга ер, бино ва инфратузилма масаласида ёрдам берган жойларда натижа бўлган. Масалан, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида минглаб иш ўринлари очилган.

Январь — май ойларида хизматлар соҳасида 232 минг иш ўрни яратилган. Лекин Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги натижалар паст.

Сўнгги икки ойда хизмат жой-

лари ташкил этиш учун 12 мингта ер майдони аукционга қўйилган. Лекин 27 та туманда савдога чиқарилган майдонлар сони 10 тага ҳам етмаган.

Шу сабабли бундай сусткашликка йўл қўйган шахар ва туман ҳокимлари, уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарларига интизомий жазо чоралари белгиланди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 9 ой ва йил якунига қадар бўлган режалар муҳокама қилинар экан, Бухоро тажрибаси бу борада намуна қилиб кўрсатилди.

Мисол учун Бухоро шаҳридаги тадбиркорлар меҳмонхона, ошхона, савдо дўконларининг том қисмида ресторан ва кафетерийлар ташкил этган. Имтиёзли кредитлар самарадорлиги таҳлил қилинганида, бир иш ўрни очиш учун ўртача 8-9 миллион сўм кетган ҳолос.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани бошқа шахар ва туман марказларида ҳам жорий қилиш, бунинг учун хавфсизлик талаблари ҳамда ижарага бериш шартларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Умуман, юртимизда аҳолига қулай ва серкатнов йўл бўйларидан давлат идораларининг балансидаги 4 мингга яқин маъмурий бино қойлашган. Ушбу бино ва иншоотлардан ҳам сервис соҳасида самарали фойда-

ланиш мумкинлиги таъкидланди.

Хизмат шохобчалари ташкил этиш учун, аввало, қулай жой керак. Шу боис йиғилишда яна 25 мингта ер майдонлари сервис ва савдо объектилари учун аукционга чиқарилиши белгиланди.

Бу борада аҳолига янада қулайлик яратиш учун энди ерларни аукционга қўйиш жараёни ижара бўйича 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида 74 кундан 20 кунга қисқартирилади. Ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмайдиган, ҳақиқий баҳоси аукционда аниқланади.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан бошлаб, ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби бекор қилинади. Барча вазирликларнинг кадастр маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилади.

Жорий йил 1 сентябргача 205 та туман ва шаҳарда 253 та махсус савдо ва хизмат кўрсатиш кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун ўтган йили республика бюджетидан 1 триллион 400 миллиард сўм, жорий йилда эса 900 миллиард сўм ажратилган.

Масалан, Жиззах шаҳрининг Жиззахлик маҳалласидаги Ёлқичуна Шароф Рашидов марказий

кўчасига боғланиб, савдо ва сервис шохобчаларига туну кун ишлашга рухсат берилган. Натижада бизнес ривожланиб, 200 та иш ўрни пайдо бўлган.

Вилоят ҳокимларига шахар ва туманларда шундай кўчалар ташкил этиб, сервисни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёки яна бир мисол: Бойсундаги машҳур Омонхона сўхатгоҳи атрофида 3 та меҳмонхона бор. Лекин жой етишмаслиги сабабли меҳмонларни қишлоқдаги хонадонлар қабул қилади. Агар бу сўхатгоҳга олиб борувчи йўл яхшиланса, меҳмонлар сони янада кўпайиши, йўл бўйида 200 дан зиёд савдо ва хизмат объектилари ташкил этилиши мумкин. Шу боис мутасаддиларга Омонхона қишлоғини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай ёндашув асосида хорижий консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиб, 28 та шахар ва хизмат салоҳияти юқори 10 та туманининг “мас-тер режаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент кўча ва енгил конструкцияли савдо фаолияти учун талабларни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, ободлаштириш ва йўл ташкилотларига ўз ҳудудида мавсумий

кафе ва савдо нуқталарини ташкил этишга рухсат берилди. Бу орқали қарийб 50 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда транспорт соҳасига хусусий инвесторларни жалб қилиш, хизматлар турини кўпайтириш, Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини трансформация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловларга ҳам тўхталиб, раисларни сайлангани билан таъриқлади.

— Элга бош бўлиш бу — катта масъулият. Маҳалла раислари мамлакатимиздаги ислохотларни ҳар бир хонадонга етказишда, одамларнинг талабини ҳокимлар олдида қўйиб, халқимизни рози қилишда етакчи бўлиши зарур. Бугун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилган аниқ масалалар ҳам энг аввало маҳалладан бошланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва ҳоким ёрдамчилари сўзга чиқиб, режа ва тақлифларини баён этди.

Ў.А.

Тадқиқ

ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ

МАМЛАКАТ РИВОЖИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА

Балиқнинг сув, инсоннинг эса билим билан тирикчилиги исбот талаб этмайдиган оддий ҳақиқат. Зеро, барча муқаддас китоблар ва донишмандлар битикларида инсон бутун умр давомида ўқиш-ўрганишга рағбатлантирилган. Таълим-тарбияга зўр берган Ҳамиятлар юқалиши, тараққиёт, фаровонликка эришган. Бунга тарихдан ҳам, бугунги кунимиздан ҳам ислалганча мисоллар келтириш мумкин.

Бу ўринда гап ёшларнинг мактаб, коллеж ва лицей, сўнгра олий таълим муассасасида билим олиши ҳақида эмас, балки шуларнинг мантқиқий давоми сифатида ҳар бир инсоннинг ҳаёт давомида илм ўрганиши хусусида бормоқда.

Хўш, бизда бу борадаги мавжуд вазият қай ҳолатда? Табиийки, мактанарли даражада эмас. Буни одамлар билан мулоқот қурган, ҳаётни кузатиб турган ҳар бир инсоннинг сезмаслиги мумкин эмас. Қолаверса, аҳоли орасида ўтказиб келинаётган сўровлар ҳам шундан далолат беради. “Ўзбекистонда катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш: долзарб ҳолат ва ривожланиш истиқболлари” лойиҳаси доирасида ўтказилган турли тадқиқотлар натижалари бунинг ёркин мисолидир. Унда иштирок этган 24 — 33 ёшдагиларнинг 70 фоиздан ортиги ўзида билим ва кўникма етишмаслигини ҳис этишини тасдиқлаган, 34 — 42 ёшдагиларнинг 60 фоизи билим ва кўникмаси камлигини тан олган.

Одамлар ўзларининг билими етарли эмаслигини билади, бу камчилиқни тузатишни истайди ҳам. Унда муаммо нимада? Бунга жавоб ўларок, бир қатор муаммоларни келтириш мумкин. Ав-

вало, турмуш ташвишлари, оддий айтганда, югур-югурлар билан бошқа нарсаларга вақт орттиролмадлиги, моддий имконияти ҳам йўл бермайдиган, негаки, ўқиш учун тўланадиган маблаг бошқа давлатлардагилардан анча юқори. Камига иш бериувчилар ўз ҳодимларини ўқитишдан манфаатдор эмас.

Юртимиз ривож ва халқимиз фаровонлигини ҳаёт давомида таълимиз тасаввур етолмас эканми, бундай муаммоларни тезлик билан ҳал этишимиз, тўсиқларни олиб ташлашимиз талаб этилади.

Президентимиз ана шу ҳаётий заруратдан келиб чиқиб, умр давомида таълимни йўлга қўйиш бўйича долзарб ташаббусларни илгари суриб келади. Хусусан, давлат раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Ушбу муҳим жараёнда эса катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш мамлакатимиз тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Бу жараёнда янги, илғор ахборот технологияларига асосланган рақамли билимларни ўзлаштириш, замонавий касбларни пухта эгаллаш муҳим. Негаки, ҳар бир давлат келажаги инновацион иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ. Фақат шу йўл билан самарали ва рақобатдош иқтисодиётни яратиш мумкин. Шу боис ҳам юқори сифатли таълим тизимига эга бўлиш, инсон капиталига сармоя қилиш, расмий таълим ва норасмий таълимни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чоралари қўриб келиняпти.

➡ 3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган бир нечта қонун лойиҳаларини атрофлича кўриб чиқди.

Шунингдек, депутатлар олий ва ўрта махсус таълим вазир А. Тошқулловнинг “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни тураржойлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитди. Ўз навбатида, Қонунчилик палатасининг тегишли парламент сўровига соғлиқни сақлаш вазир Б. Мусаввининг жавоби кўриб чиқилди.

Талабаларни тураржойлар билан таъминлаш ишлари қоникарлими?

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини ислох қилиш, ёшларнинг олий таълимга қамров даражасини ошириш, талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда талабалар тураржойларидаги яшаш хоналарининг оптималлаштирилиши натижасида 20 мингдан ортиқ қўшимча тураржой ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, Давлат бюджети маблағлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда давлат-хусусий шериклик ва ижара асосида қўшимча 11,4 минг ўринли 29 та

талабалар тураржойи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мазкур йўналишда қўрилган тизимли чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда талабалар тураржойлари қуввати 32 минг 70 ўринга кўпайтирилиб, 91 минг 416 ўринга етказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 апрелдаги Фармонида асосан 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онасига тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли

ўзгартириш киритилиб, 2022 йил 1 январдан фуқароларнинг уй-жойларини талабаларга ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солинмаслиги белгиланди. Жорий йилда мазкур мақсадлар учун Давлат бюджетидан 120,4 млрд. сўм маблаг ажратилган.

Ахборотда келтирилганидек, ҳудудларда талабалар тураржойларини тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳамда бюджет субсидияси иштирокида давлат-хусусий шериклик асосида қуриш тизими йўлга қўйилди. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам талабалар тураржойлари сонини 100 минг ўринга етказиш, бунда 2022 йилда 18 минг 800 ўринли 47 та талабалар тураржойини барпо этиш, 2026 йилга қадар эса талабаларни ётоқхона билан таъминлаш даражасини 60 фоиздан ошириш вазифалари белгиланди.

Мажлисида депутатлар томонидан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талабалар тураржойларини барпо этиш ишларини жадаллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилди. Муҳокамалар якунида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни тураржой билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар устидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Муҳокамаларга боғ бўлган мажлисда А. Тошқулловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

➡ 2

БИЗ ва ЖАҲОН

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ» ШАКЛИДАГИ УЧИНЧИ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бугун, 8 июнь куни Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” шаклидаги учинчи вазирлар учрашувида иштирок этади.

Ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, тадбир давомида томонлар дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеоанжуман шаклидаги учрашувидаги нутқда тўсиқсиз савдо ва саноат кооперацияси, маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришга қаратилган янги “Хитой — Марказий Осиё” иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси билдирилди. Шунингдек, юқарининг узлуксиз оқимини таъминлаш ва Хитой — Марказий Осиё йўналиши бўйлаб транс-минтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш бўйича тизим ечимларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўл қурилиши лойиҳасини амалда жорий этишни 2022 йилдаёқ бошлаш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчилигининг Хитой — Марказий Осиё йўналиши бўйлаб узлуксиз юк оқимини таъминлаш ва транс-минтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш бўйича тизимли ечимларни ишлаб чиқиш, IT-паркар негизда “Интеллектуал ипак йўли” қўшма платформасини яратиш, соғлиқни сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашиш, камбағалликни қисқартриш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича тақлифлари долзарб бўлиб, ташқи ишлар вазирлари учрашувида ана шу мавзулар ҳам кенг муҳокама қилиниши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

адолат тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиради

Конституциявий комиссия Матбуот хизмати маълумотига кўра, конституциявий ислохотлар жараёни бошланганидан буён халқимиз, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан Бош қомусимизга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича қўллаб-қувватлаш фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилаётди.

Айни жараёндан Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари ҳам четда эмас. Мақолада уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари билан танишасиз.

➡ 2

МАТОНАТ МАКТАБИ

Ҳар гал истеъдодли ёшларимизнинг халқро спорт мусобақаларида эришган галабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида, беихтиёр тўлқинланиб кетамиз, қалбимиз фаҳр-ифтихорга тўлади. Бундай лаҳзаларда туйиладиган қувонччи бошқа ҳеч қаердан тополмайсиз — унинг аҳамияти беқиёс. Ватанимиз шухратини дунёга ёйишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар замирида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор мужассам.

Муносабат

Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хуна эгаллаш, спорт билан шуғулланиши, халқро майдонларда ма-

➡ 3

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАРНИ КАДРЛАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОННИНГ АЛОҲИДА ЛОЙИҲАСИ БЎЛИБ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

адолат тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиради



Мирзаюсуп РУСТАМБОВЕВ, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор, Конституциявий комиссия аъзоси:

— Фуқароларнинг кўплаб мухожаатлари суд-хуқуқ тизими, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолияти билан боғлиқлиги инсон қадри устувор бўлган адолатли янги Ўзбекистонда фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатларини кучайтиришни талаб этмоқда.

Бунда Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Инсон хуқуқлари бўйича Европа конвенциясида инсон хуқуқлари бўйича келтирилган бир қатор кафолатлар борки, уни Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаш фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Хусусан, ноқонуний ҳибсга олишдан жабрланганларга етказилган зарар қоплаб берилиши, ҳар бир киши ўзига қўйилган ҳар қандай айблов қўриб қилиаётганда тўлиқ тенглик асосида ўзига қўйилган айблов хусусияти ва асослари ҳақида ўзи тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш, ўзига қарши қўрсатув бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши хуқуқига эга бўлиш ва унга қарши қўрсатув бераётган гувоҳлар учун бўлган шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларнинг терговга қақрилиши ва сўроқ қилиниши хуқуқига эга бўлиш, ўзига ўзи қарши қўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик, ҳеч ким содир этилган пайтда давлатнинг амалда бўлган ички қонун ҳужжатлари ёки халқаро хуқуққа қўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки хато иш қилиб қўйилгани учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган аҳволда бўлгани асосидагина озолиқдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги шулар жумласидандир.

Бундай қоидалар Франция, Германия, Бельгия, Финляндия, Эстония, Болгария, Чехия, Хорватия, Кипр, Албания, Грузия, Армания, Жазоир, Чили, Эквадор конституцияларида қайд этилган. Конституциямизда бундай қоидаларнинг белгиланиш мамлакатимизда адолат тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришга, инсон кадр-қиммати, хуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Хайрулла ҚўЧҚОРОВ, Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори:

— Инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий қоидаи бўлган айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иш судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди” деб тартибга солинган.

Лекин шахс жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш қимнинг вазифаси эканлиги, шахс ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмаслиги масаласи очик қолган.

Бизнингча, айбдорликни исботлаш тегишли ваколатли давлат органларнинг мажбуриятлари ва улар айблов учун етарли далиллари тўплай олмасалар, у ҳолда шахс айбсиз деб топилиши керак. Исботланмаган айбдорлик — шахснинг айбсизлигидир.

ПАРЛАМЕНТЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Парламентимиз вакилларида иборат делегация аъзолари Қозоғистон Республикасига ташрифи доирасида Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Мулоқот

Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саидкомр Нийёзхўжаев билан учрашувдан сўнг делегация аъзолари учун элчихона бўйлаб экскурсия ташкил этилди, шу аснода юртдошларимиз Хунармандлар маркази фаолиятини кўздан кечирди.

Шунингдек, вакилларимиз Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Кесебаева, Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги туризм бўйича фахрий элчиси Л. Аханова ҳамда Олмаота шаҳар “Ишбилармон аёллар” кенгаши раиси ўринбосари А. Эралиева билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Мазкур учрашувларда икки мамлакат парламентлари палаталарининг тегишли қўмиталари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини

Айбсизлик презумпцияси халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, Инсон хуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 11-моддаси биринчи қисми, Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси иккинчи қисмида “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб саналиш хуқуқига эга”.

Мазкур мазмундаги нормалар Италия Конституцияси 27-моддаси, Франция Конституцияси 68-моддаси, Туркия Конституцияси 38-моддаси, Япония Конституцияси 34-моддасида баён этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасида “Ҳеч бир шахс ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас” таҳририда ўзгариш киритиш ва мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи норма сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ,

Даврон МИРАЗОВ, Жамоат хавфсизлиги университети кафедра бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор:

— Суд-тергов амалиётининг таҳлили жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўққинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжудлигини қўрсатмоқда.

Жумладан, амалдаги ЖПКда хуқуқий тартибга солинганлигига қарамасдан текзор-қидирув фаолияти ва тергов-суд амалиётида шахснинг хуқуқларини ноқонуний ёки асоссиз чеклаш, қийноққа солиш, ҳимоялашни хуқуқини таъминламаслик, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган вақтдан бошлаб адвокатга эга бўлиш, адвокатга қўнғироқ қилиш, адвокат билан холи учрашиш хуқуқларини таъминламаслик, ушланганлиги ёки қамоққа олинганлиги ҳақида яқинларга хабар бермаслик, қўрсатув бермаслик ва берган қўрсатувлари ўзига нисбатан далил сифатида фойдаланиши ҳақида тушунтириш бериламаслик ҳолатлари учраб турганлиги ачинарлидир.

Аслида ҳимояланиш хуқуқи шахснинг энг асосий конституциявий хуқуқлари сирасига кириб, инсонга нисбатан юзага келган гумон, шахс зиммасига қўйилаётган айбловни рад этиш, жавобгарлик ва жазони енгиллаштириш учун қўлланилиши мумкин бўлган барча процессуал имкониятлар, восита ва усулларнинг йиғиндисидир. Ҳимояланиш хуқуқини амалга оширишнинг асосий механизми, бу — адвокатнинг ёрдамидан ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланишдир, ушбу хуқуқни чеклаш эса одил судлов таъминланмаслигига тенглаштирилади. Шу сабабли шахс адвокат олиш, унинг хизматларидан ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш, тўққинлиқсиз ва холи учрашиш ҳамда маслаҳатлашиш каби хуқуқлар Асосий Қонун даражасида хуқуқий тартибга солиниши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда Конституция нормаларида “...ҳар қандай шахс ўз танловига қўра ва жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса — унинг ҳаракатланиш эркинлиги хуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб адвокат олиш хуқуқига эга. Адвокатнинг касбий фаолиятига аралаштишга йўл қўйилмайди” мазмундаги норма тартибга солиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА, Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори:

— 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятини қамол топтириш учун барча шарт-шароитларни яратиш назарда тутилиб, ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола хуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу вазифаларнинг ижроси эса ёшлар муаммоларининг ўз вақтида ечимини топишга қаратилган кенг қўламдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш ва бу борада хуқуқий базани тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тан олиш керак, олийгоҳда таҳсил олаётган йигит-қизлар шартнома пулларини тўлашга имкониятлари бўлмагани учун ўқишдан четлаштириш ҳолатлари, шунингдек, моддий эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг хорижий олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш имкониятини йўқлиги каби ҳолатлар учрайди.

Бизнингча, Конституциямизга қўйидаги мазмунда янги модда киритилиши керак: “Иктидорли ёшларни уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва моддий аҳолидан қатъи назар, таълимни давом эттиришнинг кафолатлаш давлатнинг мажбуриятидир”.

Бу билан мамлакатимизда ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жумладан, очик ва сифатли таълимни таъминлаш, иктидорли ва истеъдодли ёшларни уларнинг моддий аҳолидан қатъи назар қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукаммал таълим олишини таъминлаштириш, худудларда инклюзив таълим ривожланиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиш давлат томонидан кафолатланади.

Нилуфархон САИД-ҒАЗИЕВА, Жамоат хавфсизлиги университети “Давлат хуқуқий фанлар ва инсон хуқуқлари кафедраси” профессори:

— Бугунги кунда давлат фуқаролик ҳизмати янада тақомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича барча чоралар қўрилипти. Президент ҳузурида Давлат ҳизмати ривожлантириш агентлиги ташкил этилганлиги, шунингдек, яқинда Олий Мажлис Сенатининг 26-ялпи мажлисида “Давлат Фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан маъқулангани ҳам бевосита мисол бўла олади.

Давлат хизматига қабул қилинишда тенг хуқуқлилик — давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этадиغان шаклларида биридир. Фуқароларнинг давлат хизматига кириш хуқуқи ва бошқа сиёсий хуқуқлари халқаро ҳужжатларда ҳам акс эттирилган.

Жумладан, 1948 йил қабул қилинган Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси, 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 25-моддасига асосан, ҳар бир шахс ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг хуқуқга эга, деб белгиланган.

Бундай нормалар дунёнинг деярли барча конституцияларида қайд қилинган. Шу ўринда давлат хизматига қабул қилинишда тенг хуқуқлилик фуқароларнинг асосий сиёсий хуқуқларидан биридир ва ушбу хуқуқ Асосий Қонунимизда, албатта, ўз аксини топиши зарур. Зеро, ушбу қоидалар фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишдек

конституциявий хуқуқларининг таъминланишига хизмат қилади.

Рустам РЎЗИЕВ, Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори:

— Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектиларига бўлган хуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати белгиланган бўлиб, уни амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулк департаменти ҳисобланади.

Ҳозирги конституциявий ислохотлар жараёнида “ҳар бир шахс интеллектуал мулк хуқуқига эгалиги, унинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги” ҳақидаги ушбу нормани алоҳида модда сифатида Конституцияга киритиш зарурати, биринчидан, интеллектуал мулкнинг иқтисодийдаги улушини ошириш, иккинчидан, интеллектуал мулк эгасининг масъулияти ва ишончининг хуқуқий кафолатини яратиш, учинчидан, мамлакатимиз ички салоҳиятини юксалтириш, тўртинчидан, инсон ва унинг ақлий салоҳиятини ва, умуман, инсон омилини кучайтириш, бешинчидан, инвестиция жозибадорлигини таъминлаш ҳамда соғлом рақобатга киришишга хуқуқий замин яратиш, муҳими, инсон капиталидан самарали фойдаланиш ва интеллектуал мулк объектиларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий қилишдан келиб чиқди.

Бундан ташқари, интеллектуал мулк хуқуқларининг бузилиши охириг вақтларда ўта долзарб масалага айланди. Бунда, айниқса, рақамли технологияларнинг ривожланиши ва интернет тармоғи имкониятининг кенгайиши асосий омил бўлмоқда. Бугунги кунда интеллектуал мулкка оид қонунчилик изчил ислоҳ қилинаётганлиги интеллектуал мулкнинг асосий қаториғларидан бири сифатида ривожланиётганлигидан далолат беради. Бу ҳолат ҳам юқорида тилга олинган қоидаи конституциявий хуқуқий муомалага киритишни тақозо этади.

Фарход ТОҲИРОВ, Жамоат хавфсизлиги университети профессори, юридик фанлар доктори:

— Замонавий халқаро стандартларда, хусусан, БМТнинг 1984 йил 22 ноябрдаги “Инсон хуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида”ги конвенциясининг 7-протоколида ҳам шахснинг содир этган бир жинояти учун бир маротаба жазо белгиланиши тартибга солинган. 1891 йил 15 декабрдаги АҚШ Конституциясида киритилган бешинчи тузатиш сифатида айнан “Шахс бир жинояти учун икки маротаба жавобгар бўлиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Ҳар бир содир этилган қилмиш учун у маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноят бўладими, битта жазо чораси қўлланилиши лозим. Масалан, йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳарбий хизматчига маъмурий жаримадан ташқари унинг командири томонидан ҳам интизомий жазо чора қўлланилмаслиги лозим. Ҳозирда амалдаги Жиноят кодексининг 8-моддасида ҳам мазкур принцип “Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”лиги белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Конституциямизда “Ҳеч бир инсон айнан битта хуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”лигини қайд этиш мақсадга мувофиқ,

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

ДОЛЗАРБ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёзлар берилади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар билан махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг 2020 йил 1 январдан кейин фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчиларга нисбатан улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ им-



тиёзлардан тўлиқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Мазкур имтиёзнинг берилиши билан махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари тасарруфида қўшимча маблағлар сақлаб қолинади. Ўз навбатида, ушбу маблағлар янги корхоналарни ташкил этишга, модернизациялашга, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, мавжуд ишлаб чиқаришлари кенгайтиришга йўналтирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Дарахтларга зарар етказганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мамлакатимизда аҳоли пунктларини қўқаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш борида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, қўқаламзорлаштирилган худудлар майдонини кенгайтиришга қаратилган Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари, стратегиялар қабул қилинди.

2019 — 2028 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида биологик хилмаҳилликни сақлаш стратегиясида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар майдонларини бугунги 7 фойздан 12 фойзга етказиш кўзда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳужалиғи тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўрмон фонди ерлари майдонини бугунги 11,2 миллион гектардан 14 миллион гектарга етказиш вазифалари белгиланган.

Лекин айрим шахсларнинг ўсимлик дунёсини объектарида бўлган тажовузор ҳаракатлари, шу жумладан, дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига ва жоматчиликнинг ҳақиёти ёлғизланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик қўлимнинг кескин кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкларини камайтириш механизмларини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Депутатлар соғлиқни сақлаш вазирининг жавобини қандай баҳолади?

Мажлисда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетдан коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари учун ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига соғлиқни сақлаш вазир Б. Мусаввининг жавоби қўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, 2021 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари учун республика бюджетини маблағлари ҳисобидан худудий Санитария-эпидемиологик оқилона сарфланиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига соғлиқни сақлаш вазир Б. Мусаввининг жавоби қўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, 2021 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари учун ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланишини таъминлаш, молиявий хато ва камчиликлар, қонунбузрилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида вазирлик томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Мажлисда парламент сўровига соғлиқни сақлаш вазир Б. Мусаввининг жавоби депутатлар томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Пробациянинг вазифалари қонун билан белгиланяпти

Мажлисда “Пробация тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан пробациянинг вазифалари, шакллари ва принциплари, пробация хизмати ходимларининг хуқуқлари, мажбуриятлари, ижтимоий-хуқуқий ҳимояси, пробация хизмати фаолиятига қўқалашувчи қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу фаолиятни назорат қилиш тартиби белгиланмоқда.

Бундан ташқари, шахсни пробация назоратига олиш асослари, про-

бациянинг ижтимоий мослаштириш тарзидаги шаклини қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шахс, жамяят ва давлат хавфсизлигини таъминлашга, пробация соҳасидаги муносабатларни қонун билан тартибга солишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

